



**О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI**  
**SURXONDARYO VILOYATI QUMQO‘RG‘ON TUMANI HOKIMINING**  
**Q A R O R I**

Qumqo‘rg‘on tumani, O‘zbekiston shoh ko‘chasi 1-uy. 190900, tel.: (+99876) 46-52-511, [qumhok@exat.uz](mailto:qumhok@exat.uz)

2021 -yil “12 ” феврал

Қ-195 -son

Qumqo‘rg‘on t.

**Туман ҳудудидаги юридик ва жисмоний шахсларга тегишли  
автомототранспорт воситалари ва уларнинг тиркамаларини мажбурий  
техник кўриқдан ўтказиш тўғрисида**

“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда) 6, 25-моддалари, “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 15-сон, 197-модда) 17-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 январдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган “Транспорт воситаларини мажбурий техник кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низомга (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й., 1-2-сон, 17-модда) мувофиқ транспорт воситаларининг 2021 йилда мажбурий техник кўригини ташкил қилиш мақсадида,

**Қ А Р О Р   Қ И Л А М А Н :**

1. Туман ҳудудидаги мулкчилик шаклидан қатъий назар юридик ва жисмоний шахсларга тегишли автоматотранспорт воситалари ва уларга тиркамалар тегишли тартибда мажбурий техник кўриқдан ўтказилсин.

2. Туманда транспорт воситаларини техник кўриқдан ўтказиш қуйидаги даврийликка мувофиқ белгилансин:

а) тижорат асосида йўловчилар ташиш учун фойдаланиладиган енгил автомобиллар, автобуслар ва ўтириладиган жойлар сони 8 та ва ундан ортиқ бўлган (хайдовчининг ўрнидан ташқари), одамларни мунтазам ташиш учун жиҳозланган юк автомобиллари, йирик габаритли, оғир вазнли ва хавфли

юкларни ташиш учун махсус транспорт воситалари ва уларга тиркамалар — бир йилда икки марта;

б) ишлаб чиқарилганлигига беш йилдан кўп бўлмаган (ишлаб чиқарилган йили ҳам шу жумлага киради) транспорт воситалари (мазкур банднинг “а” кичик бандида кўрсатилган транспорт воситаларидан ташқари) — икки йилда бир марта;

в) ишлаб чиқарилган йилини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқарилганлигига беш йилдан ортиқ бўлган транспорт воситалари, шунингдек ишлаб чиқарилган вақти аниқланмаган транспорт воситалари (мазкур банднинг “а” кичик бандида кўрсатилган транспорт воситаларидан ташқари) — бир йилда бир марта;

г) тиркамалар кўрикка транспорт воситаси — шатакчи учун белгиланган муддатларда;

д) навбатдаги техник кўриқдан ўтказишнинг илгари ўрнатилган муддатларидан қатъи назар, уларни ДЙХХХ органларида рўйхатдан ўтказиш (қайта рўйхатдан ўтказиш) вақтида;

е) улар ишлаб чиқарилган йилдан қатъи назар, ДЙХХХ органларида рўйхатдан ўтказилган (қайта рўйхатдан ўтказилган) кундан бошлаб бир йил ўтгач (мазкур банднинг «а» кичик бандида кўрсатилган ҳолатлар бундан мустасно).

3. Мазкур қарорнинг 2-банди “а” кичик бандида кўрсатилган транспорт воситаларининг техник кўриги:

биринчи марта — жорий йилнинг 1 мартидан 30 июнгача;

иккинчи марта — жорий йилнинг 1 сентябридан 31 октябргача ўтказилсин.

Юридик шахсларга қарашли бўлган транспорт воситаларининг техник кўриги жорий йилнинг 1 мартидан 30 июнгача ўтказилсин.

Жисмоний шахсларга қарашли бўлган транспорт воситаларининг техник кўриги жорий йилнинг 1 январидан 31 августгача ўтказилсин.

4. Туманда техник кўриқни ўтказиш учун тузилган комиссия таркиби 1-иловага мувофиқ, жисмоний ва юридик шахсларга тегишли бўлган транспорт воситаларининг 2021 йилги мажбурий техник кўригини ўтказиш жадвали 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 январдаги “Транспорт воситаларини мажбурий техник кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 54-сонли қарори 3-банди

талабларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизматининг ҳарбий бўлинмалари транспорт воситалари кўрсатиб ўтилган идоралар томонидан белгиланган тартибда мажбурий техник кўриқдан ўтказилиши назарда тутилсин.

6. Мажбурий техник кўриқ давомида комиссия таркибида иш олиб боровчи ходимларнинг доимий иш жойларидаги ойлик иш ҳақлари сақланиб қолинсин.

7. Қумқўрғон туман ҳокимининг 2020 йил 13 феврал кунидаги Қ-254-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Мазкур қарор “Қумқўрғон садоси” газетасида расман эълон қилинсин ва ҳокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин, ушбу қарор расман эълон қилинган кундан бошлаб кучга кирилади.

9. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари С.Исаев зиммасига юкланси

**Туман ҳокими**



**Р.Гаппаров**



Туман хокимининг  
2021 йил 12 февралдаги  
195 - сон қарорига  
1-илова

**Туманда транспорт воситалари техник кўригини ўтказишни ташкил  
этувчи комиссия  
ТАРКИБИ**

**Комиссия раиси:**

Ф.Арзикулов                      Қумқўрғон туман ИИБ ЙҚХГ раҳбари, катта лейтенант

**Комиссия раиси ўринбосари:**

С.Исаев                              Қумқўрғон туман хокимининг ўринбосари

**Комиссия котиби:**

Ф.Жабборов                      Туман ИИБ ЙҚХБ катта инспектори

**Комиссия аъзолари:**

Б.Худойбердиев                  Туман Мудофаа бўлими бошлиғи

О.Жумаев                          Мудофаага кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти Қумқўрғон туман ўқув спорт техник клуби раҳбари

Д.Хуррамов                        “Қумқўрғон истиқлоли бош бекати” МЧЖ раҳбари



Туман ҳокимининг  
2021 йил 12 февралдаги  
Қ-195 - сон қарорига  
2-илова

2021 йилда юридик шахсларга тегишли бўлган транспорт воситаларини мажбурий техник кўриқдан ўтказиш  
**Ж А Д В А Л И**

№	Ташкилот номи	Техник кўриқ ўтказиш жойи	Санаси ва вақти	Транспорт сони	Жумладан:						
					Юк авто	Жумладан махсус	Жумладан авто	Жумладан махсус	Автобус	Микроавтобус	Мотопорт
1	2	3	4	5	5.1	5.1.1	5.2	5.2.1	5.3	5.4	5.5
<b>Энергетика ва электрлаштириш код 01013</b>											
1	Туман Электр тармоғи	Ташкилот гаражи	04.03.2021	4	1		3				
<b>Нефть ва газ саноати миллий корпорацияси/Узнефтьгаз/ код 01024</b>											
2	Денов Нефтобаза УКСИ Қум-н	Ташкилот гаражи	18.04.2021	9	7	7	1		1		
3	Сурхон ПИБ А/Ж	Ташкилот гаражи	23.05.2021	41	30	11	6		5		
<b>Алоқа вазирлиги код 03573</b>											
4	Сурхондарётелеком ШК Қум-н	Ташкилот гаражи	01.03.2021	1			1				
<b>Соғлиқни сақлаш вазирлиги код 03873</b>											
5	Туман Марказий каспхонаси	Ташкилот гаражи	11.03.2021	8			8				
6	Туман ДСЭНМ маркази	Ташкилот гаражи	14.03.2021	2	1	1	1				
<b>Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги код 03903</b>											
7	Қумқўрғон киш. хўж	Ташкилот гаражи	09.03.2021	6	4	1	2				

8	техникуми	Ташкилот гаражи	11.03.2021	2	1	1			
9	Туман Молия бўлими	ЙПХ маскани	04.03.2021	1		1			
<b>Молия вазирлиги код 04063</b>									
<b>Халқ таълими вазирлиги код 04423</b>									
10	Туман Халқ таълими бўлими	Ташкилот гаражи	16.03.2021	1		1			
11	Туман мактабгача таълим бўлими	ЙПХ маскани	16.03.2021	1	1				
<b>Мудофага қўмақлашувчи Ватанпарвар жамияти код 04864</b>									
12	Қумқўрғон МК Ватанпарвар	Ташкилот гаражи	02.03.2021	12	3	3	9	9	
<b>Дехқончилик фермер хўжаликлари код 06444</b>									
13	Гулистон МНЗ ф/х	ЙПХ маскани	23.03.2021	2	1	1	1		
14	Саодат ф/х	ЙПХ маскани	23.03.2021	1			1		
15	Ниёзов Абдунаби ф/х	ЙПХ маскани	23.03.2021	1			1		
16	Корсақли ф/х	ЙПХ маскани	23.03.2021	1	1				
17	Падапг ф/х	ЙПХ маскани	25.03.2021	1			1		
18	Меҳнатобод ХХI аср ф/х	ЙПХ маскани	25.03.2021	1			1		
19	Парда Мирзо ф/х	ЙПХ маскани	25.03.2021	1			1		
20	Жўра Алмуродов ф/х	ЙПХ маскани	25.03.2021	2			1	1	
21	Чорвадор ф/х	Ф/х гаражи	25.03.2021	4	3		1		
22	Бекзод Хўжамбердиев ф/х	ЙПХ маскани	25.03.2021	1			1		
23	Ашур Мамаражабов ф/х	ЙПХ маскани	18.03.2021	1			1		
24	Абубакир зироатчи ф/х	ЙПХ маскани	18.03.2021	1			1		
25	Холик Азим ф/х	ЙПХ маскани	18.03.2021	1			1		
26	Бўстон Фирдавс ф/х	ЙПХ маскани	18.03.2021	1			1		
27	Анхор ф/х	ЙПХ маскани	18.03.2021	2	1		1		
28	Мунчоктепа Истикболи ф/х	ЙПХ маскани	19.03.2021	1			1		
29	Мирзо Олим ф/х	ЙПХ маскани	19.03.2021	1			1		
30	Мусурмон Алиёров ф/х	ЙПХ маскани	19.03.2021	1			1		
31	Йлхом Раҳмон ф/х	ЙПХ маскани	19.03.2021	1			1		
32	Абдиназар Раим ф/х	ЙПХ маскани	19.03.2021	1			1		

33	Оқбош дала ф/х	ЙПХ маскани	22.03.2021	1					1				
34	Сайхон ф/х	ЙПХ маскани	22.03.2021	1					1				
35	Қумқўрғон мўжизаси ф/х	ЙПХ маскани	22.03.2021	1					1				
36	Ўқтам Сарвар ф/х	ЙПХ маскани	22.03.2021	1					1				
37	Ақмал Миржалол ф/х	ЙПХ маскани	25.03.2021	1					1				
38	Режаб полвон ф/х	ЙПХ маскани	25.03.2021	1					1				
39	Нормат Ўрозали ф/х	ЙПХ маскани	16.03.2021	1					1				
40	Асадбек Имкон ф/х	ЙПХ маскани	16.03.2021	1					1				
41	Мамагмуродов Файзи ф/х	ЙПХ маскани	28.03.2021	1					1				
42	Саид Ахмад Саидий ф/х	ЙПХ маскани	28.03.2021	1					1				
43	«Қаттақўл» ф/х	ЙПХ маскани	28.03.2021	2	1				1				
44	Жума Чоррвадор ф/х	ЙПХ маскани	28.03.2021	1					1				
45	Шухрат Мухтаров ф/х	ЙПХ маскани	28.03.2021	1					1				
<b>Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги код 07244</b>													
46	Қумқўрғон Газ таъминот идораси	Ташкилот гаражи	01.04.2021	5	2	2			2				1
47	Туман Ободонлаштириш бошқармаси	Ташкилот гаражи	01.04.2021	3	2	2			1				
48	Тоза ҳудуд ДУК	Ташкилот гаражи	01.04.2021	10	10	10							
<b>Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги код 08054</b>													
49	Сур-ё маг тиз бошқармаси	Ташкилот гаражи	05.04.2021	12	8	3			4				1
50	Аму Сурхон ИТХБ қошидаги НСЭ ва АБ	Ташкилот гаражи	05.04.2021	2	1				1				
51	Туман Қ ва СХБ	Ташкилот гаражи	08.04.2021	2	1	1			1				
52	Туман Қишлоқхўжкимё	Ташкилот гаражи	08.04.2021	5	4	1			1				
53	Жанубий сурхон сув омбори	Ташкилот гаражи	06.04.2021	8	6	3			3				1
54	Сайхон наслчилик Ш/Х	Ташкилот гаражи	12.04.2021	3	2	2			1				

55	Туман Ветеринария бўлими	Ташкилот гаражи	11.04.2021	1					1		
56	Туман Сувоқова ишлаб чиқариш корхонаси	Ташкилот гаражи	11.04.2021	1					1		
<b>«Ўзағромашсервис»</b>											
57	Қумқўрғон МТП А/Ж	Ташкилот гаражи	15.04.2021	3	2	1			1		
<b>Давлат солиқ қўмитаси код 70414</b>											
58	Туман Солиқ инспекцияси	ЙПХ маскани	19.04.2021	1					1		
<b>Ўзавтгойўл</b>											
59	Туман Йўллардан фойдаланиш УҚ	ЙПХ маскани	19.04.2021	3	1				1		1
<b>Бошқа вазирлик ва идоралар код 09999</b>											
60	Янгиер сав.х/ж	Ташкилот гаражи	19.04.2021	1					1		
61	Сурхон комбинати ОТХЖ	Ташкилот гаражи	19.04.2021	8	6	1			1		1
62	Универсал қурувчи МЧЖ	Ташкилот гаражи	18.03.2021	1					1		
63	Шерхон Сулаймонов х/к	ЙПХ маскани	22.04.2021	1					1		
64	Юсуфбек гавhari МЧЖ	ЙПХ маскани	22.04.2021	1	1						
65	Македон Файз хус кор	Ташкилот гаражи	16.03.2021	2					2		
66	Абдимўмин Қувват МЧЖ	ЙПХ маскани	22.04.2021	1					1		
67	Абдулазизбек Рахмиiddинов х/к	ЙПХ маскани	22.04.2021	2	1				1		
68	Хусанбек Анвар хус кор	ЙПХ маскани	23.03.2021	2					2		
69	Механик хус фирмаси	ЙПХ маскани	22.04.2021	1					1		
70	Қум-н сан сав комбинати	ЙПХ маскани	22.04.2021	1					1		
71	Хусанбек хус. кор	Ташкилот гаражи	23.03.2021	3	2	2			1		
72	Туман Махалла хайрия жамгармаси	ЙПХ маскани	25.03.2021	1					1		



73	Элбек Ниёзов хус кор	ЙПХ маскани	25.03.2021	1				1	
74	Даврон КБ х/ф	ЙПХ маскани	25.03.2021	1				1	
75	Бахор Бунёдкор хус кор	ЙПХ маскани	25.03.2021	1				1	
76	Камаз х/ф	ЙПХ маскани	25.03.2021	1				1	
77	Богирали х/к	ЙПХ маскани	25.04.2021	1	1				
78	МЭНЮЗР-2004 КТХФ	ЙПХ маскани	25.04.2021	1				1	
79	Сурхон Султонбек хк	ЙПХ маскани	25.04.2021	1				1	
80	Чорибобо КТХФ	ЙПХ маскани	25.04.2021	1				1	
81	Руслан Мирзо хус фирм	ЙПХ маскани	25.04.2021	1				1	
82	Қумқўргон Диёр МЧЖ	ЙПХ маскани	25.04.2021	1				1	
83	Я.Т.Ниёзов Абулкосим	ЙПХ маскани	26.04.2021	1				1	
84	Шохжахон Илхомович х/к	ЙПХ маскани	26.04.2021	1				1	
85	Ўзбекистон ёшлар агентлиги	ЙПХ маскани	26.04.2021	1				1	
86	Жанубсаноятинжинеринг хус. кор	Ташкилот гаражи	26.04.2021	3	3				
87	Жийдали Баракаат х/к	ЙПХ маскани	27.04.2021	1	1				
88	Сурхон Сарбон МЧЖ	ЙПХ маскани	27.04.2021	5	4			1	
89	Эшат Оқоқол х/Ф	ЙПХ маскани	27.04.2021	3	3				
90	Я.Т.Т.А.Ниязов	ЙПХ маскани	26.04.2021	6	4			2	
91	ТРАНСМАШТРАКТОР СЕРВИС ҚУМҚЎРҒОН ММТП	ЙПХ маскани	18.03.2021	2				2	
92	Жайхун туллори хус кор	ЙПХ маскани	18.03.2021	1				1	
93	Узун махсус курилиш	ЙПХ маскани	18.03.2021	1				1	
94	“Бинокор” курилиш х/ж	Ташкилот гаражи	25.04.2021	1				1	
95	МИРСОДИК Соғоломлаш	Ташкилот гаражи	25.04.2021	1				1	
96	Старланкурилиш МЧЖ	ЙПХ маскани	18.03.2021	1	1				
97	Мунчоктепа ИЧ ва ТК	ЙПХ маскани	18.03.2021	1				1	
98	Қумқўргон Мелиоратор МЧЖ	ЙПХ маскани	18.03.2021	1				1	

99	Анварбек ўқув мактаби НТМ	ЙПХ маскани	25.04.2021	6	3	3	
97	Жумабой Олим хус фир	ЙПХ маскани	25.03.2021	1		1	
98	Мирзо Хусниддин хус кор	ЙПХ маскани	25.03.2021	2	1	1	
99	Абдуғани техсервис хус фир	ЙПХ маскани	25.03.2021	1		1	
100	Қумқўргон шароф МЧЖ	ЙПХ маскани	25.03.2021	1		1	
101	Ахадхон хус кор	ЙПХ маскани	25.03.2021	1		1	
102	Жавохир Нух КТХИЧК	ЙПХ маскани	25.03.2021	1		1	
103	У-М-Газа куп тарм хус кор	ЙПХ маскани	25.03.2021	1		1	
104	Сомон йўли хус кор	ЙПХ маскани	25.03.2021	1	1	1	
105	Анхор булок хус кор	ЙПХ маскани	25.03.2021	1		1	
106	Барака хус кор	ЙПХ маскани	25.03.2021	1		1	
107	Сайдулла Кулбоев нони МЧЖ	ЙПХ маскани	11.05.2021	1		1	
108	Алларов Муҳиддин биолаб	ЙПХ маскани	11.05.2021	1		1	
109	Салим Абдулла ўғли х/ф	ЙПХ маскани	11.05.2021	1		1	
110	РОТОР Х/ф	ЙПХ маскани	11.05.2021	1		1	
111	Туман Бандликка қўмаклашиш маркази	ЙПХ маскани	11.05.2021	1		1	
112	Елкор Шарқ МЧЖ	ЙПХ маскани	19.03.2021	1		1	
113	Тумаан Агробанк	ЙПХ маскани	11.05.2021	1		1	
114	Туман Инкасация бошқармаси	ЙПХ маскани	25.04.2021	2		2	
115	РАМС уруғ МЧЖ	ЙПХ маскани	11.05.2021	1		1	
116	Олтинчигит қўшма корхонаси	ЙПХ маскани	11.05.2021	1		1	
117	Аслиддин Холбўтаев х/к	ЙПХ маскани	12.05.2021	1		1	
118	Зиё-Довуд хусусий кор	Ташкилот гаражи	12.05.2021	16		14	4
119	Қумқўргонтранссервис х/к	Ташкилот гаражи	12.05.2021	4		3	1
120	АВТОМУСТАНГ х/к	Ташкилот гаражи	10.05.2021	14		14	
121	Меҳрибонлик ўғлонлари х/к	Ташкилот гаражи	10.05.2021	25		25	

122	Кумкўрғон истиклоли шох бекати МЧЖ	ЙПХ маскани	10.05.2021	2					2	
123	Бургут кўл тармокли х/к	ЙПХ маскани	01.03.2021	1	1					
124	Гулноза Ахмад х/к	ЙПХ маскани	13.05.2021	1				1		
125	Ғалаба минералл ўғит МЧЖ	ЙПХ маскани	13.05.2021	1	1					
126	Сурхон ғалаба транс	ЙПХ маскани	13.05.2021	1	1					
127	Кумкўрғон втор чер мет	ЙПХ маскани	01.03.2021	6	6	2				
128	Сурхон Исломбек х/к	ЙПХ маскани	06.05.2021	1				1		
129	Кумкурғонлик Илхом Кувват хк	ЙПХ маскани	06.05.2021	1				1		
130	Бекзод йўл қурилиш МЧЖ	ЙПХ маскани	06.05.2021	1	1					
131	Оллаёр полвон х/к	ЙПХ маскани	06.05.2021	1	1					
132	Сурхон Султонбек х/к	ЙПХ маскани	07.05.2021	1				1		
133	Сурхон Содик авто х/к	ЙПХ маскани	07.05.2021	1				1		
134	Сурхон ИЧҚ	ЙПХ маскани	07.05.2021	2				2		
135	Сурхон кагга қурилиш МЧЖ	ЙПХ маскани	07.05.2021	2				2		
136	Умидбек Алмирза қурилиш	ЙПХ маскани	18.05.2021	2	1			1		
137	Янгиер сервис қурилиш МЧЖ	ЙПХ маскани	18.05.2021	1				1		
138	Покиза Машхура МЧЖ	ЙПХ маскани	18.05.2021	1				1		
139	Лочин КТХК	ЙПХ маскани	18.05.2021	3	2	2		1		
140	Мадина Илёс МЧЖ	ЙПХ маскани	18.05.2021	1	1					
141	Кумкўрғон чашмаси	ЙПХ маскани	20.05.2021	1				1		
142	Ўқтам чорвадор хус кор	ЙПХ маскани	20.05.2021	1				1		
143	Ибн Сино хус дорихонаси	ЙПХ маскани	20.05.2021	1				1		
144	Хунсамкам транс хус кор	ЙПХ маскани	20.05.2021	2				2		
145	Сарбон Севинч МЧЖ	ЙПХ маскани	26.04.2021	1				1		
146	Жозиба мебел	ЙПХ маскани	26.04.2021	1				1		
147	Турғун Шамшодбек МЧЖ	ЙПХ маскани	26.04.2021	1				1		
148	Чароғбон усталари х/к	ЙПХ маскани	16.05.2021	5	1			4		

149	Диёра Сардор х/к	ЙПХ маскани	16.05.2021	1																
150	Қумқўрғон мебел МЧЖ	ЙПХ маскани	01.03.2021	1	1															
151	Қишлоққурилиш банк туман филиали	ЙПХ маскани	01.03..2020	1																
152	Миллий банк туман филиали	ЙПХ маскани	01.03..2020	1																
153	Халқ банки туман филиали	ЙПХ маскани	01.03..2020	1																
	<b>ЖАМИ ТУМАН БЎЙИЧА</b>			<b>388</b>	<b>143</b>	<b>57</b>	<b>231</b>	<b>18</b>	<b>16</b>	<b>2</b>										

**“КЕЛИШИЛДИ”**  
**Қумқўрғон туман ИИБ ЙХХГ**  
**катта инспектори катта лейтенант**



**Ф.Арзиқулов**

**Қумқўрғон туман ҳокимиятининг “Туман ҳудудидаги барча юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган автотранспорт воситаларини 2021 йилда мажбурий техник кўриқдан ўтказиш тўғрисида”ги қарори лойиҳасини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш яқунлари юзасидан**

**МАЪЛУМОТНОМА**

2021 йил 6 февраль

Қумқўрғон тумани

Қумқўрғон туман ҳокимлигининг юридик хизмати бош юрисконсульти Ф.Холтураев, Қумқўрғон туман ҳокимининг “Туман ҳудудидаги барча юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган автотранспорт воситаларини 2021 йилда мажбурий техник кўриқдан ўтказиш тўғрисида”ги қарори лойиҳасини ҳуқуқий экспертизадан ўтказдим.

Ушбу қарор лойиҳаси Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 24 декабрдаги “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 21, 22-моддалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2013 йил 1 февралдаги 29-мҳ-сон буйруғи билан тасдиқланган “Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техник расмийлаштириш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Йўриқнома (*рўйхат рақами 2420, 2013 йил 1 февраль*) талабларига асосан ҳуқуқий экспертизадан ўтказилди.

Лойиҳа “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6, 10, 25-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 январдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган “Транспорт воситаларини мажбурий техник кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги низом талаблари ва унинг ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган.

Шунга кўра, туман ҳокимининг мазкур қарор лойиҳаси 2021 йилнинг 21 январь куни Ўзбекистон Республикасининг Интерактив давлат хизматлари ягона порталида муҳокама қилиш ва тадбиркорлик фаолиятига таъсирини баҳолаш учун жойлаштирилганлиги (ID-28175) ҳамда 2021 йилнинг 5-февраль кунига қадар муҳокамада турган, қарор лойиҳаси бўйича маълумотнома тузилган кунга қадар таклиф ва эътирозлар келиб тушмаган.

Мазкур қарор лойиҳаси қабул қилинган тақдирда туман ҳокимининг 2020 йил 13 февралдаги Қ-254 – сон қарорини бекор қилиш зарурати мавжуд ва шу сабабли лойиҳада аввал қабул қилинган юқорида қайд этилган қарорни бекор қилиш тўғрисида норма (банд) киритиб кетилмоқда.


Туман ҳокимлигининг “Туман ҳудудидаги барча юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган автотранспорт воситаларини 2021 йилда мажбурий техник кўриқдан ўтказиш тўғрисида”ги қарори лойиҳаси қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган, шунингдек қонунчилик техникаси қоидалари талабларига мувофиқ.

**Қумқўрғон туман ҳокимлиги**  
**бош юрисконсульти**



**Ф.Холтураев**

№ 03-03/39  
15.01.2021 й.



«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Вилоят ҳокимининг  
ўринбосари

А.Сувонкулов

“15” январь 2021 йил

Вилоят ҳокимлигида ўтказилган йиғилиш

БАЁНИ № \_\_\_\_\_

2021 йил “15” январь

Термиз шаҳри

Раислик қилувчи: А.Сувонкулов - Сурхондарё вилояти ҳокимининг  
ўринбосари

Иштирок этдилар: Комиссия аъзолари (рўйхат бўйича).

Кун тартиби:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил январдаги “Транспорт воситаларини мажбурий техник кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 54-сонли ва 2017 йил 22 декабрдаги 1010-сонли қарорлари талабларининг бажарилиши тўғрисида.

---

(А.Сувонкулов, А.Хўжақулов, И.Соипов, С.Эиматов, Ч.Қуватов, Б.Бекмуродов,... А.Сувонкулов)

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 январдаги “Транспорт воситаларини мажбурий техник кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 54-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида, вилоятда ҳар йили транспорт воситаларини мажбурий техник кўриқдан ўтказишга йўналтирилган тадбирларни амалга оширилиши белгиланганлиги, ўтган 2020 йилда ушбу соҳада амалга оширилган ишлар таҳлили ҳамда йўл қўйилган хато ва камчиликлар тўғрисида батафсил тўхталиб ўтди.

Кун тартибидаги масалалар атрофлича муҳокама қилиниб йиғилиш,

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 январдаги “Транспорт воситаларини мажбурий техник кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 54-сонли қарори талабларининг бажарилиши тўғрисида вилоят ИИБ ЙХХБ бошлиғи подполковник И.В.Соиповнинг маърузаси маълумот учун қабул қилинсин.

2. Термиз шаҳар ва барча туман ҳокимларига:

**3 кун муддатда** Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 январдаги “Транспорт воситаларини мажбурий техник кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 54-сонли қарорининг ижросини жорий йилда таъминлаш мақсадида, 2021 йилда техник кўриқдан ўтказиш жадвали ва уни ўтказиш бўйича комиссия таркибини, тасдиқлаш тўғрисидаги қарор лойиҳасини ишлаб чиқиб [regulation.gov.uz](http://regulation.gov.uz) порталига жойлаштириш ва туман (шаҳар) адлия бўлиmidан экспертизадан ўтказган ҳолда қарор билан тасдиқлаш топширилсин.

мазкур қарорда транспорт воситалари қуйидаги даврийликка мувофиқ техник кўриқдан ўтказилиши белгилаб қўйилсин:

а) тижорат асосида йўловчилар ташиш учун фойдаланиладиган енгил автомобиллар, автобуслар, микроавтобуслар ва ўриндиқ жойлари сони 8 та ва ундан ортиқ бўлган (хайдовчининг ўрнидан ташқари), одамларни мунтазам ташиш учун жиҳозланган юк автомобиллари, йирик габаритли, оғир вазни ва хавфли юкларни ташиш учун махсус транспорт воситалари ва улардаги тиркамалар – **бир йилда икки марта;**

б) ишлаб чиқарилганига беш йилдан кўп бўлмаган (ишлаб чиқарилган йили ҳам жумлага киради) транспорт воситалари (мазкур банднинг “а” кичик бандида кўрсатилган транспорт воситаларидан ташқари) – **икки йилда бир марта;**

г) тиркамалар кўриқка транспорт воситаси – **шатакли транспорт воситалари учун белгиланган муддатларда тақдим этиш;**

транспорт воситалари ДЙҲХХ органларида рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб улардан фойдаланишнинг биринчи йили мобайнида техник кўриқдан ўтказилмаслиги белгилаб қўйилсин.

3. Вилоят ИИБ ЙҲХБ (И.Соипов), вилоят Мудофаа ишлар бўйича (Б.Бекмуродов), шаҳар ва туман ҳокимларига:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 январдаги “Транспорт воситаларини мажбурий техник кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 54-сонли қарорининг 2-банди “а” кичик бандида кўрсатилган транспорт воситаларининг техник кўриги:

биринчи марта 1 мартдан 30 июнгача;

иккинчи марта 1 сентябрдан 31 октябргача;

Юридик шахсларга қарашли бўлган транспорт воситаларининг техник кўриги:

1 мартдан 30 июнгача;

Жисмоний шахсларга қарашли бўлган транспорт воситаларининг техник кўриги:

1 январдан 31 августгача ўтказилсин.



давлат техник кўригини сифатли ва белгиланган муддатларда ўтказиш учун муҳандис ходимлар ва мутахассислар билан биргаликда ҳайдовчи номзодларни тайёрловчи ўқув ташкилотлари ҳамда Мудофаа ишлари бошқармасининг жойлардаги ходимларини иштирок этилиши таъминлансин;

жойларда ўтказилган техник кўрик натижалари бўйича ҳар ой якуни билан юқори вазирлик ва ташкилотларга ёзма равишда маълумотномалар киритилсин ҳамда шаҳар ва туман ҳокимлигида муҳокама этиб бориш вазибалари юклатилсин.

4. Вилоят ИИБ ЙҚХБ (И.Соипов) вилоят ҳудудида йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланувчи барча турдаги автотранспорт корхоналари, давлат унитар корхоналари, хусусий корхоналар, масъулияти чекланган жамиятлар, автовокзал ва автостанцияларда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларни олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш, жиноятчилик ва диний экстремизмга қарши курашиш ҳамда ижтимоий сиёсий вазият юзасидан тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш учун Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимларини бириктирсин.


5. Юридик шахсларга тегишли транспорт воситаларини мажбурий техник кўриқдан ўтказиш бўйича барча туман ИИБ ЙҚХГ катта инспекторлари ва Қизириқ тумани ИИБ ЙҚХБ ҳамда Термиз шаҳар ИИО ФМБ ЙҚХБ бошлиқлари шахсан масъул эканликлари белгилаб қўйилсин.

6. Ушбу йиғилиш баённомасининг бажарилишини назорат қилишни вилоят ҳокимлиги саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринбосари котибият мудири Ш.Қодиров ва вилоят ИИБ ЙҚХБ бошлиғи И.Соиповлар зиммасига юклатилсин.


Баённома расмийлаштируви



Н.Тўракулов



(11.11.2013)



(12.11.2013)



Вилоят ҳокимининг  
2021 йил "15" январдаги  
сонли йиғилиш баёнига илова

**“Мажбурий техник кўрик”ни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича вилоят  
ҳокимлиги қошида тузилган комиссия  
ТАРКИБИ**

- А.Сувонқулов - Вилоят ҳокимининг ўринбосари, комиссия  
раиси
- А.Норматов - Вилоят ИИБ бошлиғи ўринбосари, комиссия  
раиси ўринбосари
- И.Соипов - Вилоят ИИБ ЙҚХБ бошлиғи
- Н.Тўракулов - **Аъзолари:**  
Вилоят ҳокимлиги Саноатни ривожлантириш,  
капитал курилиш, коммуникациялар ва коммунал  
хўжалик масалалари мажмуаси мутахассиси
- К.Абдувоҳидов - Вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси  
бошлиғи
- С.Холмирзаева - Вилоят Халқ таълими бошқармаси
- Б.Мингбоев - Вилоят Телерадиокомпанияси раиси
- З.Курбонов - Вилоят ИИБ ЙҚХБ ТВТХУНТЭБ бошлиғи
- Ф.Менглиев - Вилоят Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш  
бошлиғининг ўринбосари
- Р.Саломова - Вилоят Касбий таълимни ривожлантириш ва  
мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи
- Ж.Қиличев - Вилоят автомобиль йўлларида фойдаланиш  
бошқармаси бошлиғи
- Ч.Қуватов - Вилоят Транспорт бошқармаси бошлиғи
- С.Норқобилов - “Сурхон тонги” газетаси бош муҳаррири



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI**  
**SURXONDARYO VILOYAT ADLIYA BOSHQARMASI**  
**QUMQO`RG`ON TUMAN ADLIYA BO'LIMI**

190900 Qumqo`rg`on tumani, O`zbekiston shox ko'chasi, 2-uy  
Tel.: (998 76) 465-25-64, el. pochta: qumqurgon\_adliya@exat.uz qumqurgon-t@adliya.uz

2021 йил 09 февраль

9/1-5/6-сон

**Қумқўрғон туман**  
**ҳокими**  
**Р.Гаппаровга**

Сизнинг 2021 йил 06 февралдаги  
18/01-37-сонли хатингизга

Қумқўрғон туман адлия бўлими, туман ҳокимининг “Туман ҳудудидаги юридик ва жисмоний шахсларга тегишли автотранспорт воситалари ва уларнинг тиркамаларни 2021 йилда мажбурий техник кўриқдан ўтказиш тўғрисида”ги қарор лойиҳасини қонун ҳужжатлари ва қонунчилик техникаси қоидалари талабларига мувофиқлигини билдиради.

Мазкур қарор қабул қилингандан кейин расмий нашрларда эълон қилиниши, Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 31 декабрдаги 355-сонли қарорига мувофиқ расман эълон қилингандан кейин бир кундан кечикмай расмий веб-сайтига жойлаштирилиши, шунингдек “Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат ҳисоби тўғрисида”ги низомга (рўйхат рақами 1856, 2008 йил 10 сентябрь) мувофиқ 3 кун ичида давлат ҳисобига олиш учун қоғоз ва электрон шаклларда Қумқўрғон туман адлия бўлимига тақдим қилиниши лозим.

Илова: қарор лойиҳаси \_\_ варақда

**Бўлим бошлиғи**

**Р.Султанов**

QUMQO`RG`ON TUMANI HOKIMLIGI	SAHIFALAR SONI	
	KIRISH №	129/01-20
	SANASI	12.02.21

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

**Қумқўрғон туман адлия**

**бўлими бошлиғи**

**Р.Султанов**



**Қумқўрғон тумани адлия бўлими томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжат  
лойиҳасини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш юзасидан**

### **ХУЛОСА**

**2021 йил 9 февраль**

**Қумқўрғон тумани**

“Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонун ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисида”ги низомга мувофиқ Қумқўрғон туман ҳокимининг “**Туман ҳудудидаги юридик ва жисмоний шахсларга тегишли автототранспорт воситалари ва уларнинг тиркамаларни 2021 йилда мажбурий техник кўриқдан ўтказиш тўғрисида**”ги қарори лойиҳаси ҳуқуқий экспертизадан ўтказилганда қуйидагилар

### **АНИҚЛАНДИ:**

Тақдим этилган қарор лойиҳаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6, 25-моддалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 январдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган “Транспорт воситаларини мажбурий техник кўриқдан ўтказиш тўғрисида”ги Низом ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 январдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган “Транспорт воситаларини мажбурий техник кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 18-банди, биринчи хатбошисида Техник кўриқни ўтказиш жадвали ва уни ўтказиш бўйича комиссиянинг таркиби ҳар йили 15 февралгача туман ҳокимлари қарори билан тасдиқланиши белгиланган.

Шунингдек, мазкур қарор лойиҳаси туман ички ишлар бўлими йўл ҳаракати хавфсизлиги гуруҳи, туман мудофа бўлими билан келишилган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–3666-сонли қарорининг 4-бандида **2018 йил 1 майдан бошлаб барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари лойиҳани ишлаб чиқувчи ташкилотлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталига жамоатчилик муҳокамаси ўтказилиши учун жойлаштирилиши лозимлиги, ҳуқуқий экспертиза якуни бўйича ҳудудий адлия органларининг ижобий хулосаси мавжудлиги маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилишнинг мажбурий шарт** ҳисобланиши белгиланган.

Шунга кўра, туман ҳокимлиги бош юристконсулти Ф.Холтўраев томонидан қарор лойиҳасини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш бўйича 2021 йил 6 февралда тузилган маълумотномада мазкур қарор лойиҳаси 2021 йилнинг 21 январь куни Ўзбекистон Республикасининг Интерактив давлат хизматлари ягона порталида муҳокама қилиш ва тадбиркорлик фаолиятига таъсирини баҳолаш учун жойлаштирилганлиги (ID-28175) ҳамда жорий йилнинг 5 февраль кунига қадар муҳокамада турганлиги, қарор лойиҳаси бўйича таклиф ва эътирозлар келиб тушмаганлиги маълум қилинган.

Қумқўрғон ҳокимлигининг мазкур қарори билан Қумқўрғон туманида 2021 йил давомида техник кўрикни уюшқоқлик билан, сифатли ўтказиш мақсадида, туман комиссияси тузилсин.

Комиссия аъзоларининг таркиби 1-иловага ҳамда 2021 йил мобайнида тумандаги юридик шахсларнинг транспорт воситаларини мажбурий техник кўриқдан ўтказиш жадвали 2-иловага мувофиқ тасдиқланмоқда.

Қумқўрғон туман ҳокимининг “Туман ҳудудидаги юридик ва жисмоний шахсларга тегишли автотранспорт воситалари ва уларга тиркамаларни 2021 йилда мажбурий техник кўриқдан ўтказиш тўғрисида”ги қарор лойиҳаси “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонун, Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техник расмийлаштириш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисида Йўриқнома (рўйхат рақами 2420, 2013 йил 1 февраль) ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига зид эмас.

Юқоридагиларга кўра, тақдим этилган қарор лойиҳасини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш натижалари бўйича

**ХУЛОСА Қ И Л И Н Д И:**

Қумкўрғон туман ҳокимининг “Туман ҳудудидаги юридик ва жисмоний шахсларга тегишли автомобилотранспорт воситалари ва уларнинг тиркамаларни 2021 йилда мажбурий техник кўриқдан ўтказиш тўғрисида”ги қарори лойиҳаси қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ ишлаб чиқилганлиги шунингдек қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлиги қайд этилсин.

**Бўлим бош маслаҳатчиси**



**С.Менгликулов**